

# АБДУЛЛА АВЛОНИЙ ИЖТИМОИЙ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Комила Пардаева,**  
ЖДПИ Умумий педагогика  
кафедраси катта ўқитувчиси

## Аннотатция

Мазкур мақолада улуг маърифатпарвар аллома Абдулла Авлоний ижтимоий-педагогик фаолиятининг асосий йўналишлари тадқиқ этилади, маънавий-маърифий аҳамияти хусусида мулоҳаза юритилади. Адиб ижодининг устувор жиҳатлари таҳлилга тортилади.

## Калит сўзлар:

жадидчилик ҳаракати, нашриёт, газета, миллий матбуот, театр труппаси, мактаб дарсликлари, ахлоқий тарбия

Тарихдан маълумки, ҳар бир жамиятнинг миллий манфаатларини химоя қилувчи, ахлоқий-маънавий мезонларни, шахсий камолотни тарғиб этувчи ўз раҳнамолари, маърифат пешволари бўлади. Уларнинг саъй-ҳаракати, изланиш ва ташабbusи, илмий-ижодий мероси билан жамият ижтимоий-маърифий ҳаётида туб бурилишлар, ўсиш-ўзгаришлар содир бўлиб боради. Ўзбек халқининг бу жиҳатдан ҳар қанча фаҳр этса арзигулик буюк сиймолари, улуг алломалари борки, улар яратиб қолдирган бекиёс хазина бутун инсониятнинг маънавий-маърифий баркамоллигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшади. Жумладан, истеъдодли адиб Абдулла Авлоний ҳам ана шундай маърифатпарвар сиймолардандир. Ўзбек адабиёти, нашриёти, театр санъати, мактаб-маорифини, педагогикасини шакллантириш ва ривожлантириш йўлида серқирра фаолият олиб борган алломанинг бой илмий-ижодий хазинасини ўрганиш ва тарғиб этиш ҳар доим ўз долзарблигини сақлаб туради.

Абдулла Авлонийнинг илму маърифатга қизиқиши ёшлигиданоқ шаклланган бўлиб, оғир турмуш тарзи туфайли ўқишга кам вакт сарфлашига тўғри келган. Адиб ўз таржимаи ҳолида бу ҳақда шундай маълумот беради: “1891 йилдан бошлаб, фақат қиши кунларида ўкуб, бошка фаслларда мардикор ишладим”. Кўп ўтмай, бу ҳам барҳам топади. У бутунлай ишга шўнгигиб кетади. Ўзи айтганидек, “бинокор”ликни ўрганади, “ғишт қуийиш, сувоқчилик, печкачилик, дурадгорлик ишлари” билан машғул бўлади. Аммо шундай бўлса ҳам у ўз устида тинимсиз ишлар, бадиий мутолаа билан шуғулланар эди. Шу аснода адабиётга ўзгача муҳаббати ҳам уйғониб, ривожланиб боради. Жадидчилик ҳаракати йўлбошчиларига қўшилиб, халқни илму маърифатга чорлаш, миллат зиёлиларини қўпайтириш мақсадида улар билан ҳамкорликда жуда кўп амалий ишларга қўл уради.

Авлонийнинг ижтимоий-педагогик фаолияти унинг театр труппаларини ташкил клиши, нашриётлар очиши, янги усулдаги мактабларга асос солиши ва ушбу мактаблар учун дарсликлар яратиши билан белгиланади. Жумладан, Авлоний 1904 йилда Мирободда илк усули жадид мактабини очади. 1907 йилда ўз ҳовлисида “Шуҳрат” газетасини чиқара бошлайди. Аммо бу газета фаолияти узокка чўзилмайди. Кўпчиликка аён бўлиши билан қаршиликларга учраб, 10-сони чиқиши билан газета нашри тўхатилади. 14 февралда нашр этилган мазкур сонда “Данўси намима” (чақмачақарлик) сарлавҳаси билан идоранинг бир хабари босилган. Унда шундай гаплар бор: “Эшитилмиш хабарларга карафонда ўз мусулмонларимиздан баъзи “данўсчи” намомлар пайдо бўлиб, газетамиздан “начальство”га “данўс” қилмак фикрида елка қилғон эмишлар...

Газетамизнинг маслаки миллий, бетараф сиёсий ўлуб, “умеренно-прогрессивная политическая” газетадур. Ёзгон мақолаларимиз ҳам ушбу маслакимиз ўлғон эътидол ва хаққоният доирасида ўлуб, нозир ва дензурлар тарафидан ҳадик узра таржима қилинуб,

тегишли маҳкамаларда кўрилуб турилибдур. Шул сабабли “начальство”нинг сизни(нг) “данўс”ларга хеч бир эҳтиёжи йўқдур”. Аммо шунга қарамай, айрим “данўс”лар, чақмчиларнинг ёлғон ахборотлари таъсирида газета ёпилади. Редакция асбоб-ашёлари, когозлар ва материаллар ҳаммаси мусодара қилинади. Лекин Авлоний бўш келмайди. А. Бектемиров номига рухсат олиб “Осиё” номли газетани чикара бошлади. Шоир таъкидлаганидек, бунинг идораси ҳам унинг уйида (Сапёрная, 26) жойлашган эди. Бу газеталар ўзбек миллий матбуотининг дастлабки намуналари бўлиши билан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир [2].

Абдулла Авлоний 1914-15 йилларда адвокат Убайдулла Хўжаев билан “Садойи Туркистон” газетасида ҳамкорлик қиласди. Газетадаги шеър ва мақолаларнинг аксарияти Авлоний қаламига мансуб эканлиги унинг таҳририятдаги мавқеъ-эътиборининг анча баланд бўлганлигини кўрсатади. Лекин ушбу газета ҳам узоқ давом этмайди, 66-сони чиқиб, моддий аҳволнинг танглигидан ётиб қолади [1].

Ушбу йилларда Авлоний ҳам ижодий, ҳам амалий иш билан қизғин шуғулланади. Ўз шеърларини “Хижрон” тахаллуси билан эълон қиласди. Мақолаларида эса “Мулла Абдулла”, “Авлоний”, “Абдулла Авлоний” номларини кенг кўллади. Кейинчалик эса булар сафига “Индамас” тахаллусини ҳам кўшади.

Авлоний 1909 йилда “Жамияти хайрия” очади ва маҳаллий ҳалқ болаларининг ўқиб билим олиши учун пул йиғиб, мактабларга тарқатади. Манбаларда қайд этилишича, унинг бу фаолиятини ўз даврида ҳатто Оренбургдаги “Вақт” газетаси ҳам ёзиб чиқади.

1913 йилнинг охирида тошкентлик машхур жадидлар-тараққийпарварларнинг ташаббуси билан “Турон” жамияти майдонга келади. Унинг муассисларидан бири Авлоний эди. Жамият қошида театр труппаси тузилади. Мазкур труппа томонидан илк бор Бехбудийнинг “Падаркуш” драмаси сахналаштирилади ва 1914 йил 27 февралда ижро этилади. У ўзбек театри тарихида маҳаллий ҳалқ турмушидан олинган, ерли ҳаваскор ёшлар томонидан қўйилган биринчи сахна асари сифатида чукур из қолдиради. Авлоний труппа учун “Адвокатлик осонми?!” , “Пинак”, “Биз ва Сиз”, “Икки севги”, “Португалия инқилоби” каби драмалар ёзади, “Қотили Карима”, “Уй тарбиясининг бир шакли”, “Хиёнаткор оиласи”, “Бадбаҳт келин”, “Хўр-хур”, “Жаҳолат”, “Ўликлар” каби сахна асарларини татарча, озарбойжончадан таржима қиласди. Афсуски, буларнинг хеч бири ўз даврида босилмайди. Тўғри, мунаққидлар фикрича, уларнинг кўпчилиги бадиий заиф бўлган, қораламага ўхшайди. Ҳатто, шундай таассурот туғиладики, муаллиф бирор мавзуга зарурат сезгану, оёқ устида ёзиб қўя қолган. Бир нафас-да, бир ўтиришда ёзган. Бу асарларнинг ўз даврида аҳамияти катта бўлган. Ундан айримлари 1979-1998 йилда нашр қилинган [2].

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, айни шу даврда, яъни, 20 асрнинг биринчи чорагида жадид маърифатпарварлари ҳар қанча уринишмасин, на нашриёт, на театр, на мактаб соҳасида ўзлари кўзлаган мақсадларига етиша олишмайди. Бир томондан ҳукумат, бир томондан айрим маҳаллий аҳоли вакилларининг турли тазийклару қаршиликлари остида қолиб кетишади. Буни Абдулла Авлоний ҳам ўз таржимаи ҳолида қуончаклик, алamu ҳасрат билан айтиб ўтади: “1915 йилда маҳалла ҳалқи домламиз “театрчи” бўлди”, “масҳарабоз бўлди”, – деб мени мактабдан қувиб, Миробод маҳалласидаги бошланғич мактабни ёпдилар”.

Аммо буларга қарамасдан, Абдулла Авлоний ижтимоий-педагогик фаолиятини қизғин давом эттиради. Жумладан, аллома шу йилларда “Нашриёт” ва “Мактаб” каби ширкатлар тузишда бош-қош бўлади. Адид буларни кейинроқ ўз таржимаи ҳолида шундай изоҳлайди: “Бу вақтларда бизнинг мақсадимиз зохирда театру бўлса ҳам ботинда Туркистон ёшларин сиёсий жиҳатдан бирлаштирув ва инқилобга ҳозирлов эди”.

Жадидчилик харакатининг етук намоёндаларидан бўлган Авлоний фаолиятининг асосий йўналиши ана шу икки иш – мактаб-маорифни тараққий эттириш ва ҳалқ орасида маърифат тарқатишдан иборат бўлган. У бу йўлда бор куч ва иқтидорини, моддий-маънавий имкониятларини сарфлаб, унutilmas фидойилик кўрсатади. Шоирнинг Мирободда катта қийинчиликлар билан очган мактаби бутун Тошкентда кенг шуҳрат

козонади. Аммо кўп ўтмай, 1908 йилда ушбу мактаб ҳам ёпилади. Барча қаршиликларни енгишга ҳаракат қилган адид 1909 йилда Дегрез маҳалласида яна янги мактаб очади [1].

Авлоний дарс бериш жараёнида очилаётган янги усулдаги мактаблар учун ҳар жиҳатдан қулай бўлган кўплаб дарсликлар яратиш заруриятини чуқур хис қилган ҳолда ўзи бу ишга биринчилардан бўлиб кўл уради. Ижодий меҳнатлар, машаққатли изланишлар самараси ўлароқ 1909-17 йиллар давомида адиднинг мактаб болалари учун маҳсус ёзилган ўндан ортиқ китоби майдонга келади. Хусусан, алломанинг “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим”, “Туркий гулистон ёхуд ахлок”, “Мактаб гулистони” сингари дарсликлари, “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” тўплами 10-йилларда бир неча марта қайта босилиб чиқади ва ўз замонасида Туркистоннинг жуда кўп янги усулдаги мактаблари учун, шунингдек, адабиёт ихлосмандлари учун ҳам асосий қўлланма бўлиб хизмат қилади. Ушбу асарлар адид илмий-ижодий фаолиятининг нодир намуналари бўлиб, бугунгача ўзбек адабиёти ва педагогикасида ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялаш борасидаги энг муҳим манба сифатида ўрганилиб, фойдаланилиб келинмоқда.

Хуллас, Абдулла Авлоний XX аср ўзбек адабиёти ва педагогикасининг йирик намоёндаси сифатда халқни етук маърифатли этишга қаратилган жадидчилик ҳаракатининг кенг қулоч ёйиши, замонавий таълим-тарбиянинг ривожланиши учун ниҳоятда муҳим ижтимоий-педагогик фаолиятларни амалга оширади, ўз хаётини хавфга қўйиб бўлса ҳам натижали амалий ишларга кўл уради. Уларни ўрганиш ва тарғиб этиш ҳамиша долзарб бўлиб, маънавий-маърифий юксалишнинг, ушбу йўналишдаги тадқиқотларнинг муҳим таянчи сифатида кимматлидир.

## **Фойдаланилган Адабиётлар:**

1. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Т.: “Маънавият”, 2004.
2. А. Зуннунов. Педагогика тарихи. –Т.: “Шарқ”, 2004.
3. Б. Қосимов, Ш. Ризаев. Абдулла Авлоний. – Т., 2016.
4. М. Раҳмонов. Ўзбек театри тарихи (XVIII аср охири XX аср аввалигача), “Фан”, –Т., 1968 йил.
5. Pardayeva, K. (2019). THE GREAT UZBEK WRITER ABDULLA AVLANI'S VIEWPOINTS CONCERNING EDUCATION AND UPBRINGING. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 7(12).
6. Pardayeva, K., Tangirov, A., & Muxammadiyeva, S. (2020). The Use Of The Humanistic Ideas Of Khoja Ahmad Yassavi I+-9n The Teaching Of Pedagogical Sciences. Архив Научных Публикаций JSPI.
7. Pardayeva, K. (2020). ABDULLA AVLONI'S WORKS AS A METHODICAL SOURCE OF THE CONTINUOUS SPIRITUAL EDUCATION PROCESS. Архив Научных Публикаций JSPI.I
8. Sodiqova, D. (2019). PECULIARITIES OF FORMING CREATIVE ATTITUDE TO THOUGHTS OF STUDENTS. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 7(12).